ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

ACTA NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2021
1/6/3

Ижтимоий-гуманитар фанлар туркуми

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.
Аширов А.А. – т.ф.д., проф.
Баллиева Р. – т.ф.д., проф.
Маликов А.М. – т.ф.д., проф.
Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.
Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.
Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.
Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.
Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.
Мадаева Ш.О. – ф.ф.д, проф.
Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д, проф.
Эргашев И. – ф.ф.д, проф.
Ахмедов Х.А. – с.ф.д.
Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.
Мухаммедова Д.Г. – псих .д
Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.
Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.
Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.
Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.
Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.
Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.
Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Алманов Қ. Жиззах воҳасида ўзбек этнографик гуруҳлари билан боғлиқ этник номлар 4
Замонов А. Бухоро хонлиги бошқарувига Аштархонийлар сулоласининг келиши: шарт-шароитлари ва легитимлик асослари 8
Исамиддинов М. Қадимги Фарғона ва Суғд маданиятларини даврлаштиришнинг айрим масалаларига доир 12
Набиев Э. Жамиятни модернизациялаш – объектив зарурат (Туркия тарихи мисолида) 16
Назаров А. Императорлик рус география жамияти Туркистон бўлимининг Орол денгизини ўрганишга доир тадқиқотлари (ЎзМА И-69 фонди асосида) 20
Нурметов И. Ўзбекистон Республикасининг халқаро экологик алоқалари тарихи тарихшунослиги 24
Рахманова О. Роль Суфиев Кокандского ханства в произведении “Тарихи Шахрухи” Нияз Мухаммада Хуканди 29
Тоғаев Ж. Бронза ва илк темир даври тарихини қайта тиклаш масалаларига доир мулоҳазалар 33
Tojiboyev J. G‘arbiy Slavyan xalqlari Turkistonda harbiy asirlikda 37
Усаров У. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги ер эгалиги ва ундаги ўзгаришлар 40
Хакимова Ш. Ўзбекистонда энергия саноатининг ривожланиши 44
Холикулов А. XIX аср бошларида Бухоро – Афғон сиёсий муносабатлари 47
Холлиев А. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Россия саноати ва хорижий сармоялар 51
Хомитов Р. Марказий Осиё мамлакатларидаги кам сонли миллатлар диаспораси тарихига оид 55

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика.

Абдиримова И. Лойиҳа фаолиятида кластер усулини қўллашнинг аҳамияти 58
Abduev Sh. Fan o‘qituvchilarida raqamli texnologiyalardan samarali foydalanishda: muammo va yechimlar 61
Abdullaeva D. Formation of gender identity in the process of socialization 65
Абдоров И. Парламентда ёшларнинг иштироки – жамият барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида 69
Авазов Ж. Бўлажак муҳандиснинг касбий график тайёргарлигини такомиллаштириш – илму ҳунар ўргатишнинг омили сифатида 72
Агзамходжаева С., Кубатов Ш. Современные проблемы религиозной личности в философии и антропологии 75
Адамбаев У. Ишонч-эътиқодни шакллантиришда аргументлашнинг ўрни 79
Акрамбаев Х. Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида педагогиканинг асосий қисмлари ва қонуниятлари 82
Аликариев Н. Факторы повышения производительности труда в ВУЗах 85
Аликариева А. Таълим сифати менежменти тизимини такомиллаштиришда мажмуавий ёндашувлар таҳлили 89
Ахмедов Ж. Ҳокимият ва унинг легитимлигини таъминлашнинг сиёсий механизмлари 93
Ахмедов М. Замонавий таълимда креатив ёндашув, тажрибалар ва амалий натижалар тавсифи 97
Akhmedova N. The teaching techniques of English language theory in higher institutions 100
Ахмедова Ф. Профессиональное становление личности 103
Бекбаев Р. Философский традиционализм Рене Генона и его преломление в системе межкультурного диалога 106
Газиев З. Сўфи Оллоёр диний-ахлоқий меросининг маънавий маданият тизимидаги ўрни 109
Джалилов Д. Потенциал яимни баҳолаш усуллари таҳлили 113
Жиянмуратова Г. Электорал хулқ-атворга социал-психологик ёндашув: пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи 117
Жўраева Д. Бошланғич синфларда мумтоз адабиёт ўқитишнинг бадиий-эстетик ва илмий-педагогик асослари 121
Jo‘rayeva N. Maktab ta’limida sifat menejmentini takomillashtirish xususiyatlari 125
Isroilova Sh. Crisis of identity in the conditions of mass culture 128
Каланов К. Диний рамзий белгилар тизимини методологик ўрганишнинг тарихий ва социомаданий тавсифи 131
Каримова В. Моделирование управления качеством образовательных процессов для организации повышения квалификации руководящих кадров высших образовательных учреждений 135
Каримова Н. Ёш оилаларда ажримларнинг асосий сабаблари 142
Qarshiyeva D. O‘qituvchilarining “Kvest” texnologiyasi asosida darslarini loyihalash kompetentligini baholash metodikasi 146
Madrahimova N. Innovative methods - of teaching a foreign language on the experience of foreign students 149
Мажидова О. Ибн Сино онтологик қарашларининг мантиқий таҳлили 153
Мирзаев Б. Пандемия хавфини суғурталаш 157
Муллабаева Н. Буллинг тушунчаси ва уни вужудга келтирувчи омиллар таҳлили 160
Mustafoyeva N., Ansari F. Documents in the field of law – as a didactic and methodological resource in the development of students’ writing skills (in an example of TSUL) 163
Муҳамадиева Н. Ўқитувчиларни касбга бўлган қизиқишни шакллантиришда каштачилик санъатини ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти 166
Олимов Ф. Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожида инсон капитали 169
Орипова Р. Касбий таълимда ўқув предметларининг узвийлигини таъминлашнинг педагогик омиллари 173
Пардабаев А. Афганистан: борьба двух политических систем 177
Parmanov S. O‘zbekiston yoshlari siyosiy madaniyatini yuksaltirishning g‘oyaviy asoslari 180
Парманова Н. Психологические факторы, которые могут возникнуть в послеродовом периоде 183
Пахратдинова Р. Ўқувчиларда миллий ҳунармандчилик касбларига қизиқишни шакллантиришда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш 187

Polvonova Y. Raqamli texnologiyalar asosida “Bended learning” texnologiyasining station rotation modelini aralash ta’limni yo‘lga qo‘yish jarayonlaridagi pedagogik mohiyati 190
Расулов Ҳ. Сайлов феномени ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш муаммоси....195
Raximov V. Sport-sog‘lomlashtirish turizmini o‘rganishda zamonaviy yondashuvlar....199
Raximova N. Talaba-yoshlar hayotida ijtimoiy yetuklikka ta’sir etuvchi omillar 203
Рузиева Р. Вақт категориясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили....206
Сабирова У. Олий таълим социологияси: миқдор кўрсаткичлардан сифат параметрлари сари....210
Сейдабуллаева Н. Сиёсий блогосфера дискурслари....214
Тулаганова М. Роль античной философии на учение аль-фараби о диалектике....217
Turaeva G. Use of interactive methods and technology for the preparation and development of critical and analytical thinking in the student....220
Убайдуллаева Р. Смысл жизни и проблемы наркомании среди молодежи....223
Umirov S. Are girls hardwired to learn languages better than boys....226
Файзиева Н. Методика обучения английскому языку с помощью модуля reading and writing....229
Хайдаров А. Ахборотлашган жамиятда ижтимоий-маданий муносабатларнинг трансформациялашув жараёнлари....234
Ҳакимов А. Миллий юксалиш шароитида ёшлар ижтимоий масъулиятини ошириш омиллари....237
Холбеков А. В поисках социальной гармонии: тандем социолога и писателя (на примере социологизма романа Ф.М. Достоевского “Идиот”)....241
Xudoynazarov S. Rahbarlik muammosining ijtimoiy psixologik yondoshuvlari....244
Хусанова Х. Ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини эксперт баҳолаш методологияси....247
Sharipov B. Professional ta’lim tizimi uchun pedagoglar tayyorlash: muammo va takliflar....250
Ширинова Р. Ўзбекистон Миллий университетининг халқаро рейтингларда ишлаш тажрибаси....253
Shukurov A. Jamiyat hayoti virtuallashuvining ijtimoiy-madaniy oqibatlari....263
Эргашев И., Абдуллаев Б. Рақамли сиёсий иштирок – янги Ўзбекистон ёшлари сиёсий иштирокининг замонавий шакли....267
Yusupova L. Preparing materials for esp teaching....271

Филология

Abdullaeva N., Melikova E. Lexical – syntactical features of primary predication in English and Uzbek languages....274
Абдулҳакимова О. Абдулла Ориповнинг илк лирикаси ҳақида....277
Агзамова З. Чет тили дарси жараёнида мотивацияни оширувчи вазифалар....280
Boboqulova G. Turg‘un so‘z birikmalarining transformatsiyasining semantik-pragmatik tahlili....283
Валиева Н., Абдусамадов З. Анализ некоторых фразеологических единиц в произведении Халеда Хоссейни «Бегущий за ветром» на материале английского, русского и узбекского языков....287
Джафарова Д. Семантические особенности фразеологических выражений, выражающих историческую память....290
Jalolova G., Yusupova Sh. Importance and categorization of culture specific items....292
Jalolova Sh., Yuldasheva Z. Comparative analysis of proverbs in English and Uzbek languages....295
Jumanova O. The problem of equivalence in Bilingual dictionaries....298
Имомиддинова Н. Аббревиация хитой тилидаги ҳарбий терминлар ҳосил қилиш усули сифатида....301
Kenjayeva G. Contrastive analysis of paradigmatic relations of words in English and Uzbek....305
Куванова Ш. Франц Кафка ижодида макон ва замон тушунчаларини ифодалашнинг ўзига хос услуби....309
Kurbonova D. Lexical features of advertisements in English....312
Курбонова Г. Француз ва ўзбек тилларидаги матнларда шарқ маданиятининг қайта яратилиши....315
Qo‘rg‘onova G. Studying the specific pecularities of the proverbs....318
Маматқулова Д. Ҳозирги замонда ёшларнинг миллий ўзлигини англаш концепцияси....321
Mukhammadova S. Srtuctural peculiarities of English and Uzbek proverbs about wealth and poverty....323
Nabiyeva Sh. Mamlakatimizda til siyosatining takomillashtirishi va meyoriy lug‘atlarga ehtiyojning ortishi....326
Nazarova A. Cultural features of verbal expressions in English and Uzbek communication....330
Назарова Г. Ўзлашма сўзларнинг тузилишига кўра турлари ва лексикографик талқини....333
Nazarova M. Lexical features of English and Uzbek proverbs about patience....336
Sagdullayeva F. Contrastive analyses of stylistic devices of hyperbole/ meiosis in Uzbek and English....340
Sirlieva K. Semantic analysis of English and Uzbek poetic proverbs....343
Tagaymurotova M. The peculiarities of phraseological units in context....347
Turdibekov M. Tarixiy jarayonlarni toponimlarga ta’siri masalasi....350
Хидирова З. Motivation as a main indicator of language learning motivation and its categories....352
Хожиматова Н. Приемы внешнего изображения героя в романе М.Ю.Лермонтова «Герой нашего времени»....355
Elmurodova F. Shaxs tasviri sifatlarining so‘z turkumlari va til tizimidagi o‘rni....358

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

FALSAFA
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК: 323>327:347(575.1)

Ҳаким РАСУЛОВ,
Термиз давлат университетининг Педагогика институти сиёсий фанлар номзоди, доцент
E-mail: rasulovx@tersu.uz ; rhm1973@mail.ru

Термиз университети Юридик факультети декани, юридик фанлари доктори, профессор Ж.Холмўминов тақризи асосида

САЙЛОВ ФЕНОМЕНИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МУАММОСИ

Аннотация

Мақолада сайлов жараёнини асосий субъекти бўлган электрал маданият тушунчасининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва терминологик таҳлилига эътибор қаратилди. Сайлов маданияти жамият сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида сиёсатшунослик аспектида ўрганилди. Сайлов маданияти сиёсий маданиятнинг бир қисми сифатида фуқароларнинг сайлов жараёнидаги муносабатларини аниқлаштиришда намоён бўладиган сиёсий ҳодиса сифатида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Сайлов, электорат (сайлов) маданияти, ҳаракатлар стратегияси, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сиёсий-ҳуқуқий тизим, сайлов жараёнлари, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, сиёсий фаоллик.

ВЫБОРНЫЙ ЯВЛЕНИЕ И ПРОБЛЕМА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭЛЕКТОРОКУЛЬТУРЫ НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация

Статья посвящена социально-политическому, правовому и терминологическому анализу понятия электронной культуры, которая является основным предметом избирательного процесса. Электоральная культура изучалась с точки зрения политологии как неотъемлемая часть политической и правовой культуры общества. Электоральная культура как часть политической культуры была проанализирована как политический феномен, который находит свое отражение в определении отношения граждан к избирательному процессу.

Ключевые слова: Выборы, электоральная (выборная) культура, стратегия действий, социально-политические процессы, политико-правовая система, избирательные процессы, политическая и правовая культура, политическая активность.

ELECTION PHENOMENON I THE PROBLEM OF IMPROVING THE ELECTRIC CULTURE OF THE POPULATION

Abstract

The article is devoted to the socio-political, legal and terminological analysis of the concept of electronic culture, which is the main subject of the electoral process. Electoral culture was studied from the point of view of political science as an integral part of the political and legal culture of society. Electoral culture as a part of political culture was analyzed as a political phenomenon, which is reflected in determining the attitude of citizens towards the electoral process.

Key words: Elections, electoral culture, strategy of actions, socio-political processes, political and legal system, electoral processes, political and legal culture, political activity.

Кириш. Бугунги сиёсий воқеалик сиёсий жараёнлардаги ислоҳотлар жараёни сайловларни ўтказишнинг қонуний ва методологик асослари доимий такомиллашиб боришини тақоза этмоқда. Сайлов жараёни нафақат демократик ислоҳотлар кечаётган жамиятларда, балки сайлов тизими энг ривожланган ва бу борада анчайин тажрибага эга давлатларда ҳам ҳалигача изчил, дастурий тарзда қонунан мукаммал тарзда ўтказилаяпди деб айтиш қийин. Фуқаролар сиёсий фаоллигини намоён қиладиган энг муҳим жараён бу сайлов тизимидир. Шу боис, мамлакатимизда сайлов тизимини халқаро сайлов стандартлари талаблари[1] асосида демократлаштириш ва модернизациялаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Сайлов маданияти жамият сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида ҳуқушунос ҳамда сиёсатшунос олимлар томонидан ўрганилган. Электорал маданиятни шакллантириш муаммоси сайлов тизими анча ривожланган мамлакатлар сиёсий-ҳуқуқий адабиётларида нисбатан кўпроқ ўрганилган. Жумладан, Америкалик тадқиқотчилар Жоржина Банита, Саша Фолман, Россиялик олимлар А.В.Заварзин, Д.Д.Орешкина, В.С.Тикунов, Н.В.Карпова, Л.Фадеевларнинг илмий тадқиқотларида муаммо ўз мамлакатларидаги ва дунёнинг бошқа давлатларидаги сайлов жараёнида электорал маданиятнинг шаклланиш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган.

Мамлакатимизда сайлов тизимининг ҳам миллий ҳам халқаро нормалар даражасида шаклланиб, юксалиб бориши жараёнида муаммонинг илмий-назарий таҳлилларига эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳуқуқшунос олимлари А. Саидов, У. Таджиханов, М. Абдусаломов, Х. Маматов, Х. Одилқориев, Д. Раззақовлар томонида муаммо сайлов жараёни ва аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти билан уйғун ҳолда таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада ўрганилаётган муаммо илмий тадқиқотнинг сиёсий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий таҳлил, мантиқийлик, илмийлик ва холислик методлари асосида ёритилишига ҳаракат қилинди. сайлов жараёнини асосий субъекти бўлган электрал маданият тушунчаси ва уни шаклантиришнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва терминологик таҳлилига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ўтказилган сайловларда том маънодаги қарама-қарши позицияларга эга бўлган, очиқчасига бир-бирини танқид қилган сиёсий

партияларнинг сиёсий ҳокимият учун кураши тўла намоён бўлмаган бўлса-да, номзодлар жамоатчилик эътиборини, миллий-маънавий қадриятлар, экологик муаммолар, жамият тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий камчиликлари борасида ўз позицияларини ҳимоя қилиш учун курашдилар.

Таҳлил ва натижалар. Сайлов нафақат муайян партиялар ва номзодлар ўртасидаги рақобат, балки, шахсий, сиёсий имтиёзлар ва жамоавий манфаатлар ўртасидаги зиддиятни қайтадан қўзғатади, электоратни қайта шакллантириш имконини беради. Шу билан бирга сайлов жараёни мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини қайта белгилайди, унинг глобал сиёсатдаги мавқеининг пасайишига ёки кўтарилишига олиб келиши мумкин.

Дарҳақиқат, сайлов шундай сиёсий жараёнки у мамлакатдаги демократиянинг даражасини билдиради. Сайлов фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини кўрсатади. Одатда сайлов компанияси даврида аҳолининг ижтимоий фаол қатлами сиёсий манфаатларини ифода этишга ҳаракат қилади. Ижтимоий жиҳатдан пассиф қатлам эса аксарият ҳолатларда бефарқ ёки ўз шахсий манфаатлари доирасида қолади. Сайлов компанияси даврида фуқаролар турли омиллар асосида баъзилари мантиқий, баъзилари интуитив, баъзилари аниқ стратегик мақсадлар, баъзи қатлам эса фуқаро сифатида шунчаки овоз беришда иштирок этишади. Лекин ҳар қандай сайлов фуқаролик масъулиятини талаб этади. Биз сайлов жараёнида қайси позицияда қатнашмайлик одатда халқаро ва миллий қонунчилик нормаларига кўра кўпчилик овозни олган номзодлар тегишли ваколатли органлар ва масъул лавозимларга сайланади. Чунки сайлов жараёнининг мантиғи ва қонунияти шундай бўлиши керак [2, Б.8].

Энди сайлов жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч бўлган сайловчи (электорат) маданияти тушунчасининг ижтимоий-сиёсий моҳиятига эътибор қаратсак. Электорат - [лат. elector] — парламент, президентлик ёки маҳаллий ҳокимият органларига сайловда номзодни, сиёсий партияни қўллаб-қувватловчи сайловчилар гуруҳи. Янада кенгроқ изоҳлайдиган бўлсак, бу тушунча сайловчи сўзига бориб тақалади. Яъни, электорал маданият фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун мамлакатда ўтказилаётган сайловларда иштирок этиши, сайловга оид ҳуқуқий билимларга эга бўлиши, ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини ифодалайди [3]. Сайлов жараёнлари тадқиқотчилари терминологик жиҳатдан сайлов маданияти тушунчасидан ишчи атама сифатида фойдаланишни таклиф қилишади. “Сайлов маданияти” атамаси аҳоли, сайловчиларнинг сайловга муносабатининг барқарор хусусиятларини ва уларни амалга ошириш амалиётини, сайловчилар ва ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳукмронлик қилиш услубини назарда тутади. Тор маънода “сайлов маданияти” тушунчаси сайлов жараёнида сайловчиларнинг реал иштироки (“назорат қилиш”) даражасини билдиради [4] деб таърифланади.

Аҳолининг сайлов маданиятини таркибан қуйидагича фарқлаш мумкин:

а) сайловларни сиёсий хатти-ҳаракатлар шакли сифатида кўриш;

б) сайлов компанияси даврдида сиёсий партияларни ҳокимиятни қўлга киритиш учун курашишга киришиши;

в) ваколатли органлар ва сиёсий етакчини танлаш учун номзодлар аниқлаш;

г) сайлов жанаёнига оида дастлабки билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш.

Ўзбекистонда аҳолининг сайлов маданиятини юксалтиришнинг сиёсий тизими ва ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган. Олий Мажлис палатларининг 2021 йил 7 июндаги “Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қўшма қарорида аҳолининг электорал маданиятини юксалтиришнинг асосий йўналишлар ва амалий вазифаларни белгилаш, «Бир сайловчи — бир овоз» тамойили асосида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, сайловлар ва референдумларнинг аҳамиятига доир тушунтириш ишларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, сайлов комиссиялар аъзоларининг малакасини ошириш, уларга услубий, ташкилий ва техник ёрдам кўрсатиш ишларини янги босқичга олиб чиқиш мақсади кўзда тутилган. “Аҳолининг барча қатламларига сайловга оид ахборотни тезкор ва аниқ йўналтирилган ҳолда етказмасдан, бу борада уларнинг хабардорлиги ва электорал маданиятини юксалтирмасдан туриб, демократик ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб бўлмайди”[5].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тажрибасида электорал маданиятни юксалтиришни тизимлаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларда дахлдорлик ҳиссини ошириш чоралари кўрилмоқда. Бу жараён қуйидаги тизимда амалга оширилишига эътибор қаратилди:

Биринчидан, сайловчиларнинг, сайлов комиссиялари аъзоларининг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг билим ва кўникмаларини ошириш тизимини яратиш ҳамда такомиллаштириб бориш;

Иккинчидан, фуқаролар сайлов қонунчилиги ва ундаги ўзгаришлар билан яқиндан таништириш орқали сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Учинчидан, сайловчиларнинг, овоз бериш жараёнидаги сиёсий фаоллиги ва маданиятининг аҳамияти қанчалик зарур эканлигини тушунтириш;

Тўртинчидан, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини ҳам миллий ҳам халқаро қонунчилик стандартлари доирасида ташкил қилиш ва уни холисона ёритилишини таъминлаш.

Дарҳақиқат, сайловсиз демократия тараққиётни, демократиясиз эса фуқароларининг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан сайлов жараёнида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражаси тўла ўз ифодасини топади, эркин фикр муштараклиги ва сиёсий плюрализм намоён бўлади. “Сайлов тизими демократик жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми бўлиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишидан иборат ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисини англатади” [6, Б.24].

Дунёнинг сайлов тизими ривожланган Ғарб, хусусан Европа мамлакатларидаги сайловчиларнинг фаоллиги билан таққослаганда мамлакатимизда фуқароларни сайлов маданияти билан боғлиқ фаоллиги анчайин яхши эканлиги кўзга ташланади. Рус олими Н.В. Карпов1 Европа Иттифоқининг бир қатор мамлакатларидаги сўнгги парламент сайловларида уларнинг ҳар бири бўйича сайловчиларнинг ўртача фаоллиги 66,5 фоизни ташкил қилганлигини қайтд этади. Сайловнинг энг юқори иштироки Мальтада “портлаш” эффекти билан боғлиқ ҳолат (92,06%) кузатилган ва энг пасти Руминияда (37,8%); Швецияда сайловчиларнинг 85,8 фоизи, Германияда 76,2 фоизи, Испанияда 71,8 фоизи, Венгрияда 69,7 фоизи, Грецияда 63,9 фоизи, Латвияда 54,5 фоизи, Полшада 50,9

фоизи овоз фаоллик кўрсатган. Франциядаги парламент сайловларида сайлов участкаларига келган сайловчиларнинг паст фаоллиги (42,6%) кузатилган. Тадқиқотчи шунингдек, 2016-йил сентабрда Россияда бўлиб ўтган парламент сайловларида қатнашганларнинг 47,88 фоизи Европа парламенти мамлакатлари билан солиштирганда энг паст кўрсаткичлар қаторида эканлигини ҳам қайт этган [7, Б.27]. Мамлакатимизда эса 2021 йил 24 октябрдаги Президентлик сайловларида фуқароларнинг 80,8 % овоз бериш жараёнида иштирок этиб ўз сиёсий фаоллигини намоён қилган [8].

Мамлакат фуқароларининг сайловларда ва бошқа сиёсий жараёнларда қанчалик фаол иштирок этиши энг аввало, уларда шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг қай даражада юксаклиги билан боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига мувофиқ, халқ сиёсий ва ҳуқуқий иродаси даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим [9, Б.51-52].

Дарҳақиқат, сайлов фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ифода этадиган, инсон онгли фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мураккаб сиёсий ҳодисадир. Шу маънода сиёсий фаолликнинг сиёсий жараёнлардаги амалий аҳамиятини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) сиёсий фаоллик жамият аъзоларининг туб мақсад ва манфаатларининг амалда номаён бўлишини ифода этади;

2) сиёсий фаоллик жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида оммани бирлаштириш характерига эга бўлиб, умумдавлат вазифаларини ҳал қилишда амалий аҳамият касб этади;

3) сиёсий фаоллик жамият сиёсий ҳаётида сиёсий онг ва сиёсий маданиятга нисбатан белгиловчи мавқени эгаллайди. Чунки сиёсий маданият ва сиёсий онг сиёсий фаолликнинг асосидир;

4) сиёсий фаоллик ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳамда сиёсий тизимларнинг ўзгариши, алмашинуви билан боғлиқ ҳолда турли даражада намоён бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Миллий тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги асосий вазифалар бевосита жамиятда қарор топадиган сиёсий-ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса назаримда қуйидаги масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, жамият сиёсий ҳаётида фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш, яъни, халқ иродасига, фуқаролар манфаатларига мос келадиган даражада ислоҳотларни амалга ошириш тизими шаклланиш керак. Шу асосда жамият аъзоларида ислоҳотларга, миллий тараққиётдаги ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни рўёбга чиқариш мумкин бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардан кўзланган провард мақсадга эриши учун бир томондан ижро ҳокимиятининг хусусан раҳбар кадрларнинг ижтимоий маъсулиятини оширишга, иккинчи томондан эса, фуқаролик жамияти институтларининг хусусан, сиёсий партияларнинг ташаббускорлигини ва масъулиятини кучайтиришга эришиш лозим.

Учинчидан, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти тизимида фуқаролик институтларининг жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги ваколатларини янада кенгайтириш ҳамда уларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаол иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий шароитларини яратиш керак.

Тўртинчидан, ижро ҳокимияти тизимининг барча бўғинлари масъуллари парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисоб бериш билан боғлиқ самарали ҳуқуқий механизмни янада кенгайтириш таъминланишига эриши лозим. Жамиятда сиёсий-ҳуқуқий қадриятларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Бу эса, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти давлат бошқарувида улар иштирокини янада кенгайтириш имконини беради [6, Б.29].

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсоннинг жамият ҳаётида, ижтимоий-сиёсий жараёнларда мустақил субъект сифатида иштирок этиши, қонун устуворлиги, демократия, эркинлик каби ҳаётий қадриятларнинг бош тамойилга айланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2002. 48–54-бетлар. Европейская Конвенция о защите прав человека и основных свобод//Международные акты о правах человека. Сборник документов. – М.: «Норма-Цифра». 1998. – С. 539–543. БМТ томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2002. 54–74-бетлар. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген Кенгашининг ҳужжати // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2004. 360–380-бетлар. Декларация о критериях свободных и справедливых выборов (По документам Межпарламентского Союза). – М.: «Известия». 1994. – Стр. 5-11.
2. Georgiana Banita, Sascha Ptshlmann. Electoral cultures Universitdtsverlag winter Heidelberg volume 16. 2015.
3. Электорал маданият - бу сайловларда иштирок этиш, ҳуқуқий билим ва сиёсий фаоллик. https://zarnews.uz/post/elektoral-madaniyat-bu-saylovlarda-ishtirok-etish-huquqiy-bilim-va-siyosiy-faollik
4. Заварзин А.В., Орешкина Д.Д., Тикунов В.С. Электоральная культура России: классификации и картографирование в геоинформационной среде// http://observer.pskovregion.org/article.phtml?code=9
5. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг “Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури тўғрисида қўшма қарори. 2021 йил 7 июнь
6. Абдусаломов М. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги Т.: «O‘zbekiston» – 2015.
7. Карпова Н.В. Электоральная культура как индикатор отношений политического представительства Гражданин. Выборы. Власть. № 2(16)/2020.

8. Сайловда овоз берган ва иштирок этмаган фуқаролар сайлов ҳақида нима дейди? // https://www.gazeta.uz/uz/2021/10/25/saylov-2021/
9. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси//Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2002.